

Boqiy fikr

Xalqlar madaniyat va ma'naviyat borasida bir-birlarini qanchalik yaxshi tushunsa, iqtisodiy aloqalar ham shunchalik tez rivoj topadi.

Islom KARIMOV

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqsa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 21-iyun, chorshanba № 49 (9010)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ОИД ХОРИЖДАГИ МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИННИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮГРИСИДА

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой тарихи ва маданиятиниң ажралмас бир қисмини ташкил этадиган, маънавий тараққиетимиз учун фоят мухим аҳамиятга эга бўлган қадимий кўлэзмалар, санъат асарлари, осори-атиқаларни саклаш, уларни илмий тадқиқ этиш, юритимииз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб килиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ана шундай ноёб тарихий-маданий ашёялар нафакат халқимиз маданиятининг нодир дурданалари, балки жаҳон миқёсидаги йирик колекциялар ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб қўйматларни экспонатлар хорижий давлатларнинг музейлари ва архив фонdlарида сакланмоқда. Ушбу маданий мерос ёдгорликларини аниқлаш ва тадқиқ этиш, имкон қадар мамлакатимизга олиб келиш юзаси-

сидан кейинги йилларда муайян ишлар қўлиниди.

Айни вақтда халқимиз, хусусан, ёшларимизни ана шу бебаҳо маънавий бойлиқдан баҳраманд этиш, тарихимиз ва маданиятиимизнинг но маълум саҳифаларини чуқур ўрганиш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар хакида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, бу йўналышдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ташкил ишларнига, Фанлар академияси, "Ўзархив" агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хорижий маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этиши түгрисидаги таклифи маъкуллансин.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI ТҮГРИСИДА

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурлари амалга оширилиши натижасида юкори технологик ихтинослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципиал жиҳатдан янага тизими ташкил этилди. Республикада ихтинослаштирилган тиббиёт марказлари, шу жумладан, хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси, урология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, эндокринология, терапия ва тиббиёт реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология (кейинги ўринларда – Республика марказлари) соҳасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва юкори малакали врачлар билан тўйдирилган ихтинослаштирилган тиббиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги беш йилда Республика марказларида 150 мингдан

ортиқ операциялар, шу жумладан, 80 мингдан ортиқ юкори технологик оператив мулажалар бажарилди, даволашнинг мураккаб ва ноёб услублари амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, ихтинослаштирилган юкори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш асосан Тошкент шаҳрида жамланган, бу республика минтақалари аҳолиси нинг тегиши хизматлардан фойдаланишини чеклаб кўймоқда. Замонавий диагностика ва маҳсус тиббиёт ускуналари билан етарлича жиҳозланмаганлик, замонавий ускуналарда ишлаш учун врачларнинг етарлича тайёланмаганлиги туфайли юкори технологик ихтинослаштирилган тиббий ёрдамнинг айрим турларидан республика аҳолиси фойдалана олмаяпти.

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

РАМАЗОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТҮГРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги олиjanоб фазилатларни, шукроналиқ, меҳроқибат, ҳамхихатлиқ каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятни эътиборга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асрар-авайлаш ва улуғлаш максадида ҳамда ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рӯза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш түгрисида"ги 1992 йил 27 мартағи ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 26 июнь душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул киғланкарорини инобатга олиб, 2017 йил 26 июнь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифати кенг нишонлансан.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда ҳалқимизнинг милли урф-одатларига мос тарзда, тартибли ва юкори даражада ўтказиш учун зарур тадбирларни амалга оширисин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий аҳборот агентлиги ва бошқа оммавий аҳборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлик тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 июнь

Бир ёқадан бош чиқарib, қўлни-қўлга берайлик

"...Бизнинг минтақамиз, аввалимбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илмаданини маданиятини оид илми, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириши, энг муҳими ислом динининг асл инсонпарварлигидан мөхиятини чуқур очиб бериши мақсадида биз азим лойтахтимиз Тошкент шаҳрида

Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини барпо этишга қарор қўйдик. Нега деганда, "Жаҳолатга қарши – маърифат" шиори остида мана шундай марказни ташкил этишини бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда".

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Ихтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрар – давр талаби» мавзусида ўтказилган анжуманда илм-фан ва мада-

ният намояндлари, исломий таълим муассасаси мутасаддилари, имом-хатиблар ҳамда кенг жамоатчилик билан юзлашиб, муқаддас динимизни асрар-авайлаш, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, оиласалар фаровонлиги, юрт тинчлиги борасида фикр билдири, барчамизни охоликча чорланди.

(Давоми 7-бетда.)

Шифокорларга дипломлар топширилди

Тошкент тиббиёт академиясида даволаш иши, тиббиёт педагогика, тиббиёт профилактика, олий маълумотли ҳамисира каби ийналишилар бўйича кадрлар тайёланади.

Бу йил олий таълим муассасасини 549 талаба таъмомлади. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда битирувчиларга мутахassislik дипломлари топширилди.

(Давоми 4-бетда.)



2017-yil 21-iyun, № 49 (9010)

Олий таълим ривожида янги босқич

Дунёдаги глобал ўзгаришлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг реал таалабаридан келиб чиқсан холда юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва техногияларни жорий этиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустахкамлаш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтинослик йўналишларини таомиллаштириш борасида кенг қаровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бутун мазмун-моҳияти, аҳамияти билан олий таълим тизимидаги янги босқич, ўзига хос воқеълик бўлади.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш, олий таълим даражасини сифат жихатидан ошириш ва тубдан таомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустахкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўкув-илмий лабораториялар, аҳборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш максадиди. Олий таълим тизимини 2017—2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини жорий этиш бўйича тўкказ бўлимидан иборат чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқидиди. Бу дастур асосида 2017—2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурини жорий этиш бўйича тўкказ бўлимидан иборат чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқидиди.

Бозор талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг энг муҳим ва зарурий мезонидир. Зеро, худудлар бўйича талаб юқори бўлган йўналиш ва мутахассислар юзасидан тегишли мониторинг ҳамда тадқиқот ишларини олиб бориш натижасида қабул квоталарни бельгилаш, шу асосда ҳар бир олий таълим муассасасига индивидуал ёндашувни шакллантириш Олий ва ўрта маҳсус таълин вазирлигининг доимий диккат марказида бўлиб келмоқда. Шунга кўра, хужжатда 2017—2021 йилларда мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини бельгилаш аник кўрсатиб берилган. Хусусан, қарорга мувофиқ, олий таълим тизимидаги янги таълим ихтинослик йўналишлари ва мутахассисларни жорий этилади. 2021 йилгача қабул квоталари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиши соҳасида 39,7 фоиз, қишлоқ ва сув хўжалигида 38,5 фоиз, ишлаб чиқариш ва техника йўналишида 32,8 фоиз, соглини саклаш ва ижти-

моий таъминот соҳасида 25,7 фоиз, гуманитар соҳада 3,5 фоизга оширилади. Аксинча, ижтимоий соҳа, иқтисод ва хукуқда қабул квоталари 8,6 фоиз камайтирилиши кўрсатилган. Бакалаврият ва магистратурага талабалар қабул килишининг умумий кўрсатичларини 2021 йилгача босқичма-босқич 18 фоизга ошириш назарда тутилаётгани мамлакатимиз ўшларининг таълим олишга бўлган хукукларни таъминлаш, орзу-истакларини рўёба чиқаришда муҳим омил бўлади.

Чора-тадбирлар комплексида олий таълим муассасалари таалabalар қабул кўрсатичларни ва таълим йўналишларининг ўзгарishi билан боғлик профессор-ўқитувчиларнинг зарурый таркибини ва сифатини таъминлашни вазифалари, муаммолар ва таклифлар ҳам берилган. Унда кўрсатилишича, 2017—2021 йилларда олий таълим муассасаларига қабул парметлари ўзгарган ҳолда ўқитувчи-таалaba нисбати 2016—2018 йилларда 1:10,5; 2019—2020 йилларда 1:10; 2021 йилдан 1:9 бўлади. Бу, ўз навбатида, педагог кадрларга эҳтиёжини оширади. 1:9 нисбатининг жорий қилиниши натижасида таълим сифати яхшиланиши баробарида кўллаш ёш педагог кадрлар иш билан таъминланади. Таклиф қилинаётган кўрсатичлар кўйидаги:

ишонч ва умид кучанди. Мунтазам ўз устида ишлаб, сифати таълим-тарбия беришга ҳаракат қиласди.

Олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг самарали имлий ва педагогик фаoliyatiini раббатлантириш тизимини таомиллаштириш масаласи барча олий таълим муассасаларида оғрикли нуқта бўлиб келган. Чора-тадбирлар комплексига олий таълим муассасалари педагог кадрларни раббатлантируви Ректор жамгар масини тузиш ва ундан педагогнинг ўкув жараёнига кўшган аник хиссаси ва касбий маҳорати, юкори таълим сифати учун ҳамда тарбия жараёнидаги самарали иштирокига қараб ойлик маошининг 40 фоизига таъста тўлаш тақлифи киритилган. Бу жуда маъкул фикр бўлиб, ўқитувчи 40 фоизга таъста ҳак олиш учун тинмай ҳаракат қиласди. Бундай устамага эга бўлган ўқитувчининг дарсдан кейин репетиторлик қилиши ёки таржимонлик билан шугуланишига эҳтиёж кормайди. Бу ўринда яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган.

Янги таълифларда фан доктори билан фан номзоди ойлигидаги фарқ 1 миллион сўмдан ортиқ бўлиши зарурлиги белгиланган.

Кўрсатичлар	2016	2019	2021
Ўқитувчи-таалаб нисбати	1:10,5	1:10	1:9
Ўртача ўкув юклами	955	910	818
Ўртача ўкув-слубий, имлий-тадқиқот, ташкилий юклами	585	630	722
Педагоглар штати	25964	27411	31026
Педагоглар маоши учун кўшимча харажатлар (бюджет ҳисобидан)		4,2	9,9
		млрд	млрд

Бунда касбий кафедраларда бир ўқитувчи ўтадиган фанлар сони ўртача 3-4дан 1-2 гача камайди. Ҳафталик аудитория соатлари 20 соат ёки кунига 3-5, соатга камайди. Ўқитувчининг умумий юклами (1540 соат)га киритилган ўкув-слубий, имлий, ташкилий, маънавий-маърифий юкламасини соатларда ҳисобламасдан ўрнига ректор (иш берувчи) билан шартномада кайд этиш таълиф қилинади. Бу жадвалда таълиф қилинаётган ўзгартышлар ишқодий таъкидкорларга эга бўлиб, улар факат ривожланши ва таракқиётга хизмат қиласди.

**Зеро, бу мезонларга
риоя қилинганда
педагогнинг имлий-
ижодий фаолияти
учун катта имконият-
лар очилади. “Штат
қисқариши” деган
ёқимсиз ибора бутун-
лай ўқуколади. Педа-
гогларда тўла-тўкис,
фаронсон ҳаётга янада**


этиш режалаштирилган. Бу ўзига хос янги тузилмаларни ташкил этиш учун Жахон банки маблағлари ҳисобидан 120000 АҚШ доллари сарфланади. Шунингдек, республикамиз олий таълим муассасаларида 25 номдаги 151 замонавий ўкув-лабораторияни ташкил этиш кўзда тутилган.

Чора-тадбирлар комплексида, жаҳондаги тенденцияларга мувофиқ, олий тиббий таълим мутдатини 7 йилдан 6 йилгача кисқартиши кўзда тутилган. Бу бизнинг шарқона анъана ва миллӣ менталитетимизга жуда мувофиқ қелиди. Бу соҳада кадрларга эҳтиёж куорилиги бойис, битиручилар қанча тез амалиётта кириб борса, ҳалқимизга нафи шунча кўп тегади.

Олий таълим муассасалари учун ўкув ва ўкув-слубий адабиётларни нашрга таъёрлаш, хорижий ўкув ва ўкув-слубий адабиётлар таржимасини ташкил этиш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълимни ривожлантириши марказида тузилма ташкил этиш фикир ҳам яхши асосланган. Магистратурда таълим ва имлий-методик жараённи ташкил этиш тартибида ҳам сезиларни ўзгаришлар мавжуд. Назарий таълимнинг 1-курсда 30 фоиз, имлий фаoliyati 70 фоизга, 2-курсда назарий таълимнинг 20 фоиз, имлий фаoliyati 80 фоизга ўзгаришилиши магистрантларга кўпроқ имлий-ижодий фаoliyati билан шугулланиш, етакчи имлий ташкилотлар, ишлаб чиқаришкорхоналарида стажировка ўташ имкониятини беради.

Хусусан, катта имлий ходимлар-изланувчilar инститuti (докторантура — PhDr)га қабул қилиши, ўқитиши ва аттестациядан ўтказиш тизимини таомиллаштириши борасида билдирилган таълифларда ҳам инсон манбаатлари, тадқиқотчilar учун енгиллик ва кулайликлар, имлий-ижодий фаoliyati учун имконият яратиш ҳисобга олинган. Масалан: кириш имтиҳонларининг чет тили ва мутахассислик ҳолида олиниши (ҳозир олтига имтиҳон); OAK рўйхатида бўлган нуғузли хорижий ихтисослашган журналда қамида битта мақола чоп этириш (ҳозир талаблар бўйича иккита), чет тили бўйича малакавий имтиҳон топшириш (ҳозир тўртта малакавий имтиҳон мавжуд), имлий раҳбарга имлий маслаҳатчилик қиласди докторантлар сонини олтина нағаргача ошириш (ҳозир уч нағаргача) каби таълифлар ўта мутахассислик аспирантура ўзбек тили магистратурда ўзбек тили магистратурда мутахассисликларини очиш кўзда тутилган. Буларга мос равишда таълиба, магистрант ва профессор-ўқитувчilar сонининг ўсиши аниқ рақамларда кўрсатилган.

**Саодат МУҲАММЕДОВА,
Алишер Навоий
номидаги
Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти
университети
кафедра мудири,
филология фанлари
доктори**



кўрсатади. Илмий салоҳиятининг кўтарилишига хизмат қиласди.

Чора-тадбирлар комплексида 2017—2021 йилларга мўлжалланган курилиши, реконструкция ва капитал таъмирлаш манзилли дастурига киритилган олий таълим муассасалари сони 26 та деб кўрсатилган. Бу — жуда яхши кўрсаткич. Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустахкамлаш бўйича харажат кўрсаткичлари ҳам ижобий характердаги миқдор кўрсаткичларига эга.

Шу ўринда Олий таълим тизимини 2017—2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириши дастурни борасида баъзи билдирилсан.

**Ўқув адабиётлари ҳақида фикр ва таълифлар билдирилётган ўринда электрон ўқув адабиётларига эътиборин кучайтириш зарур эди. Айнича, бу борада гуманитар соҳаларда бажариладиган ишлар кўп.
Аксарият гуманитар фанлардан электрон ўқув кўлланма ва дарслеклар яратилманган.**

Биз фаoliyati юритаётган Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетида ҳам Олий таълимни ривожлантириши дастурига мувофиқ улкан ишларни амалга ошириш назарда тутилган. Жумладан, олий таълим муассасамизда 2018 йилда ўзга тили гурухларда ўзбек тили, 2019 йилда компютер лингвистикаси, 2020 йилда синхрон таржима (тиллар бўйича) бакалавриат йўналишларини; 2019 йилда адабий манбаунослик ва матншуюнослик, компютер лингвистикаси, матншуюнослик, 2020 йилда бадиий таржима назарияси ва амалиёти, киёсий адабиётшунослик, 2021 йилда фольклоршунослик ва диалектология, ўзга тили гурухларда ўзбек тили магистратурда мутахассисликларини очиш кўзда тутилган. Буларга мос равишда таълиба, магистрант ва профессор-ўқитувчilar сонининг ўсиши аниқ рақамларда кўрсатилган.

**Саодат МУҲАММЕДОВА,
Алишер Навоий
номидаги
Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти
университети
кафедра мудири,
филология фанлари
доктори**

2017-yil 21-iyun, № 49 (9010)

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси депутатлари ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий аҳвол, фуқароларнинг турмуш шароитларини ўрганиши, жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаши ва ҳал этиши, бу борада парламент назоратини самарали тарзда амалга ошириш мақсадида фуқаролар билан бевосита мулоқотлар ўтказмоқда. Ушбу мулоқотларда аҳолини қўйнаётган муаммолар ва камчиликлар ўрганиммоқда.

Депутатлар жойлардаги аҳволни ўрганмоқда

Жорий йилнинг 1–10 июнь кунлари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Конунчиллик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан Баликни, Қоракўл, Зафаробод, Конимех, Поп, Кўшработ, Мирзаобод, Шеробод, Оқўргон, Риштон, Бугот, Дехқонбод, Шайхонтохур, Тўрткўл туманларидаги аҳвол ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Конунчиллик палатасида бўлиб ўтган партия фракцияси йиғилишида мазкур ўрганиш натижалари мухокама этилди. Аҳоли билан мулоқотларда кўтирилган масалаларнинг соҳалар бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаммолар соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ўй-жой коммунал хизматлари, банк-кредит, транспорт ва йўл курилишига тегишилди. Фракция аъзоларига келиб тушган 34 муаммоли масаласи юзасидан давлат хокимиюти ва бошқаруви органларига, шунингдек, 23 хўжалик юритувчи субъектга 15 депутатлик сўрови ва фракцияномидан 8 муроҳаёт юбориши тўғрисида қарор қабул килинди.

Фракция томонидан мамлакатимиз аҳолисига кўрсатиладиган транспорт хизмати тизимини яхшилаш, айниска, ўқувчилар ва талабалар учун имтиёзли транспорт катновини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон автомо-

биль ва дарё транспорти агентлигига парламент сўрови юборишига келишилди.

Болаларни мактабгача таълимiga қамраб олиш ҳолати, мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, куриш ва таъминалаш ишлари, но давлат таълимни ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларни китоблар билан таъминлаш, таълим муассасаларидаги кутубхоналар фаoliyati, мактабгача таълим муассасалари ва макtabлarda болаларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирligига парламент сўрови тайёрланди.

Йиғилишида фракция аъзолари томонидан мамлакатимизда фойдаланилмай турган давлат мулки обьектлари ва бўш ер майдонларида ташкил этилган кичик саноат зоналари ва ушбу зоналарда «Ўзбекистон энерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси маблағлари хисобидан зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфраструктурапар курилишини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳалқ депутатлари маҳаллий Қенгашларидаги партия гурухларига жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиши ташкил этиш хусусида тегиши тавсиялар берилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга берайлик

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Улуг' рамазон оида ўтказилган мазкур анжуманда катта маъно-мазмун, мақсад мужассам. Президентимизнинг шижоат билан сўзлаши, жон кўйдириб муаммоларни ўтага ташлаши, барчамизни бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишга ўндамоқда. Юрбошимизнинг мавзузасидан тўғри хулоса чиқариш, фарзандларимизни тўғри йўлга бошлаш ҳар биримизнинг зиммамизга залворли масъулият юклайди. Айниқса, биз имом-хатиблар бу борада сергак, синчков ва ҳушёр бўлишимиз керак. Имом-хатиб аввали ўзлигини англаб, эзгу амаллар билан бошқарларга намуна кўрсатяптими, лавозим вазифасини вижданон бажаряптими, муаммонинг илдизи шунга бориб тақалади. Ҳалқимизга хос бағрикенлик, меҳмондўстлик, олижонбоблик хислатларини мустаҳкамлаш, юртимиздаги 130 дан ортиг миллат ва эзлат вакилларининг бир оила бўлиб, аҳил-инок яшашига хисса қўшишда дин вакилларининг ўз ўрни бор.

Вояга етадиган фарзандларимизни қандай қилиб тўғри йўлга солиши мумкин? Аввало, мустақилликнинг моҳиятини терапанглари учун яқин ўтмиш ва ундан кейинги ўзгаришилар, кўлга киритилган ютуқлар ҳақида ёшпарга нафақат сўзлаб бериши, балки жонли материалларни тақдим этсак, мўлжалдаги иш бўларди. Динимиз тарихи, буюк аллома ва азиз аввалиёаримиз меросини ўрганиши ва тариги этиши бўйича бошланган иш-

ларни давом эттиришда жонбозлик кўрсатиш муҳим вазифаларимиз сирасига киради. Глобаллашган даврда ҳар бир имом-хатиб ҳалқаро тероризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноконуний миграция, одам савдоси, экологик муаммоларга қарши курашиш йўлида ўзига хос режа ва йўналишни белгилashi замон талаби бўлиб қолди. Бу борада таълим-тарбияга алоҳида ўтибор қаратиш жоиз.

Мустабид тузум даврида Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 130 киши Ҳаж амалини бажарган бўлса, бугунги кунда ҳар йили ўзбекистонлик 5000дан зиёд киши ўзининг эзгу орзузи ва мусулмонликнинг фарз амалини адо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита гамхўрлиги ва ташаббуси билан жорий йилда 7200 нафар ўртдошимиз ушбу муқаддас зиёратни амалга ошириши мўлжалланган. Собиқ тузум пайтида республикамиизда атиги 84 та масжид бўлган, бугун эса уларнинг сони 2 мингтадан ошиди. Юртимизнинг барча худударида тарихий ислом ёдгорликлари, мұқаддас қадамжолар қайта тикланди.

«Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болани «Бу — кўшнининг боласи», бошқа кишлоп ёки тумнининг боласи», деб лоқайд бўлаётгандар ҳам орамизда йўқ эмас. Кимdir четга чиқиб, экстремистларга қўшилиб юрган бўлса, баязи раҳбарлар, у Фаронадан эмас, Андижондан, Қашқадарёдан эмас, Самарқанддан, деб бепарво

бўлмоқда. Лекин у Ўзбекистон фарзанди, Ўзбекистон фуқароси-ку!». Президентимизнинг ота-оналарнинг дилидаги гап бўлди. Ҳақ гап ўз юртни беҳад севган, кадрлаган инсоннинг юрагидан отилиб чиқади.

Одамзода хос бир иллат бор: адашган, қоқилган кимсанни баттар топтаймиз, ерга урамиз. Аслада рухан эзилган кишига кўмаклашиш, ёрдам кўлни чўзиш ислом таълимотида улуғланади. Яхшилик қилиш, кечиримли бўлиш, жаҳолатта қарши курашиш ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмуни бўлиб қолиши зарур. Афсуски, орамизда ҳамиятидан ўз ўрнини топломай, на оиласига бош-кош булаётган, на фарзандлари тарбиясини эплай олган кишилар учрайди, уларнинг нуқси бутун миллатга тегади.

Юрбошимиз кенг жамоатчиликнинг олдига давлат миқёсидаги энг катта масалани кўйди: «Ўз болангни ўзинг асрар». Чиндан хам Ўзбекистонда туғилаётган ҳар бир бола бигза тегиши, унинг тақдирни, келажаги нафақат ота-онасини, балки ҳаммамизни ташвишлантириши зарур. Бу борада мактаб, маҳалла, оила, мактабдан ташқари таълим муассасалар, хуқук-тартибот органлари, дин вакиллари бир ёқадан бош чиқарса, пухта ўйланган механизмни амалиётга жорий қилса, ҳеч бир ўғил-қизимизни ётғоялар ўз домига тортиб ололмайди.

**Рахматуллох САЙФУДДИНОВ,
Юнособод тумани бош имом-хатиби**

Ўқитувчилар билими оширилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ҳамда «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларини амалиётга жорий этиши мақсадида Ҳалқ таълимни вазирлигининг буйруғига кўра «Умумий ўрта таълимни давлат таълим стандартлари ва ўқув-семинар ташкил этиши» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Ушбу семинар каскад усулида виляятларда ҳам давом этирилмоқда.

6–8 июнь кунлари Қашқадарё вилояти ҳалқ таълими бошқармаси, вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг мақасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари ҳамда ионъ ойи курс тингловичилари учун ана шундай мақсадли ўқувлар ташкил этилди. 12–13 июнь кунлари эса Қарши шаҳридаги 1-,

5-, 9-, 15-, 21-, 23-, 26-, 29-мактаблар базасида ҳар бир фан йўналиши бўйича туман, шаҳарлардан кирк нафардан таҳжрибали ўқитувчilar 18 соатлигина максадли ўқув курсларида малакаларини ошириди.

Тренерлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Уму-



мий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 15 марта даги «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тас-

дилаш ҳақида»ги карорларининг мазмун-моҳияти тушириб берилди.

Семинар иштирокчilari-ига ўқитувчilari, уларнинг ташвишларни таъкидлашади. Севин ОЧИЛОВ,

Қашқадарё вилоятини
халқ таълими
бошқармаси
мутахassisasi

самарали методлари ҳақида маълумот берилди. Худудий семинарларда фойдаланиши учун кўргазмали ва тарқатма материаллар (дастур, маъруса матнлари, аудио ва видео ёзувлардан) изборат методик тавсиялар, услубий кўлланмалар берилди.

2017-2018 ўқув йили олдидан ўтказиладиган ўқитувчиларнинг анъанавий августан кенгашларида ҳам мавзу юзасидан ҳар бир ўқитувчига зарур тушунчаларни таъкидлашади. Севин ОЧИЛОВ,

Самарқандлик Наргиза Абдулаева таҳтириятимизга мурожаат қилиб, 1999 йилда Самарқанд давлат универсitetining география факультетини тамомлабни, худуддаги мактабдан шу фан ўқитувчилари кўн бўлгани боис, дарс соатлари етишмаслигини айтган. Шу боис туар жойига яқин бўлган мактабгача таълим муасасасида олий маълумотли мутахассис ўқути учун мактабгача таълим ўйналишида қайта тайёрловдан ўтмоқчилигини билдирган. Бунинг учун кимга мурожаат қилиш кераклигини сўраган.

Ушбу мурожаатта жавоб излаш ҳамда газетхонларни мактабгача таълим ўйналишида кадрларни қайта тайёрлаш тизими билан танишириш максадида мавзуни таҳлил этишга киришдик.

— 2006 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг биология ба инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги факультетини тамомлаб, ўзим яшайдиган худуддаги собиқ 51-богча-мактаб мажмуасига ишга кирдим, — дейди Ромитан туманинг 51-МТМ мудириси Гулруҳ Шарипова. — Дарсларни замонавий пештехнологиялар асосида олиб боришим ва синфимдаги ўқувчиларнинг тарбиявий-алҳокий ҳолати намунали эканлиги эътироф этилди. Педагогик жамоа тавсияси гура мусассаса дирекционинг майнавий-мъери-фий ишлар бўйича ўринбосари сифатида фаолиятимни давом эттиридим. 2013 йилдан боғча-мактаб мажмуалари алоҳида тартибда иш юритиши белгилангандан сўнг мактабгача таълим мусассасасига мудира лавозимига вакант жой учун танлов эълон қилдик. Бирок худудда мактабгача таълим ўйналишида таълим олган олий маълумотли мутахассис ўқути учун мудирилик вазифасига тайланнадим. Мактабгача таълимга доир билим ва таҳтирамни бойитишига ҳаракат қилдим. Назарий билимларни олиша эҳтиёж сезганим туфайли туман XTMФМТТЭБга ариза билан мурожаат этдим. Шу тарзда менга ўйашаш номутахассис кадрларни қайта тайёрлаш

бўйича Бухоро вилояти ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида сайёр қайта тайёрлов курси ташкил этилди ва олти ярим ой мобайнида ўқиб, диплом олдим.

Шарипова. — Ўтган йили шу мақсадда номутахассис кадрлар рўйхати шакллантирилди ва Мактабгача таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув-методика маркази билан ҳамкорликда вилоят XTMФМТТЭБга қошида қайта тайёрлов курси ташкил этидик. Марказ ходими Малика Файзулаева бошчилигида худуддаги етук профессор-ўқитувчилар гурухи шакллантирилиб, 79 нафар педагог қайта тайёрловдан ўтди.

Имкониятдан самарали фойдаланган педагог кадрлар қайта тайёрлов туфай-

лумотли, лекин тегиши касбий маълумотта эга бўлмаган ходимларнинг кўшимча ихтиносослик бўйича касбий билим ва кўникмаларини мавжуд давлат таълим стандартлари ёки давлат талаблари асосида шакллантиришдан иборат" дея қайд этилган.

Ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш бўш (ёки янги тайланнган) лавозимни эгаллаш ва мутахассисликнинг малака таснифиға мувофиқ кейинчалик професионал фаолиятнинг янги турини бажариш максадида янги кас-

да нутқ ва ўзга тилга ўргатиш методикаси", "Мактабгача таълимда элементар математик тасавурларни шакллантириш методикаси", "Мактабгача таълимда жисмоний тарбия методикаси", "Мактабгача таълимда табиат билан танишиши", "Мактабгача таълимда тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси", "Мактабгача таълимда музик тарбия методикаси", ихтиносослик фанларидан эса "Мактабгача таълимда мутахассислик кириш", "Мактабгача таълим мусассасида таълим жараёнини ташкил этиш технолоргиялари ва лойиҳалаштириш" мавзулари 972 соатлик ўқув режага асоссан ўқитилади. Ушбу фанлар доирасида белгиланган билимларни ўзлаштирган ва битирув малакавий ишини химоя килганларга диплом бериллади. Қайта тайёрлашга иккича олиш сифатида қаралмайди, балки қайта тайёрлашнан мутахассисида бериладиган ҳужжат(диплом) фақат тарбиячи, методист, мудира лавозимларида фолијат кўрсатиш ҳукуқини беради.

Албатта, бундай ўқувлар мактабгача таълим тизимида ишлаш ниятидаги мутахассиси касб сирлари билан яқиндан таниширади, амалиётда дуч келадиган муаммоларга ечим топишга ўргатади.

Мактабгача таълим соҳасида ишлайдиган ходим касб сир-асорини ҳам назарий, ҳам амалий жihatдан пухта ўзлаштирган бўлиши, болалар ва отоналар билан самарали муроҷот ўрнатиши лозим. Шундай экан, тизимдаги номутахассис кадрлар вақтида кунт қилиб, керакли мутахассисига айланани соҳа ривоҷидаги яна бир омил саналади.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мұхбири

МТМдаги номутахассис кадр

Қандай қилиб мутахассисга айланади?

Қайта тайёрловдан ўтиш зарурати туғилганда ходим МТМ, туман XTMФМТТЭБга мурожаат этганидан сўнг вилоят ҳалқ таълими бошқармасида хужжатлар ўрганиб чиқилди ва гурух шакллансан, буюрта асосида кўума сайёр курслар ташкил этилади. Аксинча, номзодлар камчиликни ташкил этса, пойтахтимиздаги Мактабгача таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув-методика марказида ўқиши мумкин.

— Мактабгача таълим мусассасаларида методик хизмат сифатини юқалтиришга, мoddий-техника базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қартилаётганинг қувонарли. Айниқса, соҳани етук малакали кадрлар билан бойитишининг аҳамияти катта. Шу сабаб вилоятимиз мактабгача таълим мусассасаларида тажриба ва малакаси етарли бўлган олий маълумотли кадрлар фаолиятини кўйлаб-куватлашга мунтазам эътибор қаратамиз, — дейди Бухоро вилояти ҳалқ таълими бошқармаси методисти Курсия

ли жамият учун зарур мутахассисга айланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими» янада такомиллаштириш тўғрисида ги карорига мувофиқ ҳалқ таълими тизимида худудий бошқарув органлари, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим мусассасаларининг раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш этиши тартиблини белгиланди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида тайёрланган ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга оид низомда «Ҳалқ таълимни ходимларини қайта тайёрлашнинг максади — меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳалқ таълими мусассасаларида (мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим ва бошқа мусассасаларда) фаолият олиб бораётган олий маъ-

бий билим, кўнкимка ва малакаларни ўзлаштириша йўналтирилади.

— Мактабгача таълим ходимларини қайта тайёрлаш бўйича марказимиз асосий таяни ўқув-методик мусассаса ҳисобланади, — дейди Мактабгача таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув-методика маркази директори ўринбосари Мавруда Рустамова. — Тизимда раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг илмий-методик асослари бўйича ўқув режа ва дастурлар яратамиз, худудий институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштирамиз. Ҳусусан, умумкабий ва мутахассислик фанлари бўйича ўқув режа тасдиқланиб, 6,5 ой мобайнида тингловчилар ўқишиади. Олайлик, умумкабий фанлар сифатида «Оила ва ижтимоий педагогика», «Болалар психологияси ва психодиагностикаси», «Она тили ва болалар адабиёти», «Мактабгача ўшдаги болаларни мактабга тайёрлаш», «Мактабгача таълим-

ний ва руҳий сифатларни ривожлантириш лозим. Бунинг учун ўзлаштирилиши керак бўлган спорт ўйнинларининг элементларини мусобака машҳури, ҳаракатли ўйинлар ва эстафеталар (тўпни шеригига етказиш бўйича кувлашмачоқ ўйнаш, тўпни улоқтириш, нишонча теквизиши, тўпни кўтиб олиб ўтиш, тўп узатишлар) таркибига киритиш лозим. Вазифани муракаблаштириши, ўйинлар тарни алмаштириш мумкин.

Кискаси, мусобака ўтказиш жараёни жуда мурakkab бўлиб, нафақат ўқувчиларнинг ўш сусисиятларига, балки уларнинг жамоавий ўйинларга тайёрлиги, кайфияти ҳамда ўқитувчининг маҳоратига ҳам boglik. Мусобака ўтказилиши педагогик жараён бўлиб, ўқитувчи-мурабибидан ўқувчилар билан ишлаш тажрибаси, иштирокчиларнинг ўйин ҳаракатларини синчковлик билан кузатиш, таҳлил килиш ва ўз хулк-авторини тўғри баҳолаш каби жиҳатларни талаб этади.

Комил МУҲАММАДИЕВ,
ТТИМИ катта ўқитувчisi

Мусобака усулида дарс ўтамиз

Ёшлилар ўртасида спорти оммалаштиришда таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларни мазмунни ташкил этиши, давлат таълим стандартларида белгиланган билан, кўнкимка ва малакаларнинг ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш мүхим.

Бунда жисмоний тарбия машғулотларини ўтказишга янгича ёндашув, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, самарали метод ҳамда усулларни жорий этиши зарур. Шундай инновациян усуллардан бирор — жисмоний тарбия дарсларини мусобака усулида олиб борашидир.

